

Ўқув машқи ўтказилди

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги “Истеъмолда бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлари Сирғали бозори” МЧЖда 2016 йил 14 июл куни “Зилзила ва ёнғин содир бўлганда фуқароларни қутқариш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни хавфсиз ҳудудга эвакуатсия қилиш ишларини ташкил этишда объект раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари ҳаракатлари” мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Махсус-тактик ўқув машқида қуйидаги саволлар амалий жиҳатдан кўриб чиқилди:

зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлганда объект раҳбарларининг ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатлари;

ФВДТ хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

фуқаро муҳофазаси хизматларининг зарурий асбоб-анжомлар билан таъминланиши ва улардан тўғри фойдаланиш.

Махсус-тактик ўқув машқининг назарий босқичида иштирокчиларга ўқув машқининг ўтказилиш мақсади бўйича тушунчалар берилди. Объект раҳбари ва ўқув машқини ўтказиш штаби аъзоларининг ахборотлари тингланди.

Ўқув машқининг амалий босқичида мавжуд ўқув нуқталарида ФВДТ хизматлари ва объект фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатлари амалга оширилди.

Хусусан, махсус-тактик ўқув машқи ғоясига кўра шартли равишда зилзила содир бўлиши натижасида маъмурий бинода ёнғин содир бўлади. Шунингдек, бинодаги ходимлар ва моддий-товар бойликлар, қолаверса, автотураргоҳдаги аҳоли ҳамда автомашиналар хавфсиз ҳудудга эвакуатсия қилинади ва ёнғин бартараф этилади.

Тадбир якунида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қутқарув отрядининг замонавий қутқарув асбоб-анжомлари кўرғазмаси намойиш этилди.